

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD 03/30.06.2020.Fal.60.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АМИРХЎЖАЕВ ШУКУРЖОН ҚУРБОНОВИЧ**

**ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР  
ТРАНСФОРМАЦИЯСИ (XX АСР ОХИРИ - XXI АСРНИНГ БОШИ)**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК:101.1:316.61:316.36(=512.133)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract  
of doctor philosophy (PhD) in philosophical sciences**

<b>Амирхўжаев Шукуржон Курбанович</b> Ўзбек оилаларида ижтимоий-маданий жараёнлар трансформацияси (XX аср охири - XXI асрнинг боши) .....	3
<b>Амирхўжаев Шукуржон Курбанович</b> Трансформация социально-культурных процессов в узбекских семьях (XX века конца-начало XXI века).....	23
<b>Amirkhujayev Shukurjan Kurbanovich</b> Transformation of socio-cultural processes in Uzbek families ( at the end of XX - century and the beginning of XXI century) .....	43
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	48

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD 03/30.06.2020.Fal.60.04 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АМИРХЎЖАЕВ ШУКУРЖОН ҚУРБОНОВИЧ**

**ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР  
ТРАНСФОРМАЦИЯСИ (XX АСР ОХИРИ - XXI АСРНИНГ БОШИ)**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Ватирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Fal.57 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.adu.uz](http://www.adu.uz)) ва "Ziyonet" Ахборот тилим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Самаров Рустамжон Сидридинович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Саифиязаров Исмомил Саифиязарович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Содиқова Шоҳида Марҳабоевна**  
социология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Маҳалла ва оила илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети хузуридаги PhD 03/30.06.2020 Fal 60.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «25» 03 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй, Тел./факс: 0(374) 223-88-30, e-mail: [agsu\\_info@edu.uz](mailto:agsu_info@edu.uz) Андижон давлат университети Ахборот-ресурс маркази, 3-қavat, 301-хона).

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1094<sup>h</sup> рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел: 0(374) 223-88-30).

Диссертация автореферати 2022 йил «14» 03 куни тарқатилди.  
(2022 йил «14» 03 даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).



**Ф.Х.Юлдашева**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, фалсафа  
фанлари доктори, доцент

**А.А.Эгамбердиев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, фалсафа  
фанлари буйича. фалсафа  
доктори (PhD), доцент

**Т.А.Ортиқов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, фалсафа  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида оила ижтимоий институт сифатида эътироф этилган ва турли назариялар асосида ўрганилиб келинмоқда. Жамиятнинг таянч нуқтаси бўлганлиги сабабли дунёни етакчи давлатларида оила институти фарзандлар қобилиятларини ривожлантирувчи, авлодлар орасида ижтимоий-маданий тажрибаларни етказувчи, ижтимоий муносабатларнинг бошланғич асосини шакллантирувчи маскан сифатида тадқиқ этилмоқда. Бу эса оилавий ҳаёт барқарорлигини таъминлаш халқаро ташкилотлар диққат марказида бўлиб, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Халқаро Оила кун” резолюцияси, “Минг йиллик ривожланиш” декларацияси каби халқаро меъёрий ҳужжатлар оилалар манфаатларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришда долзарб аҳамият касб этмоқда. Шунга кўра, бугунги кунда жамиятда инсон омилига жиддий эътибор қаратилаётганини инобатга олсак, оила институти ижтимоий-маданий жараёнларини ривожлантириш зарурият эканлигини кўрсатмоқда.

Дунё илм-фани тараққиётида оила маънавий маданиятнинг асоси, шахс ижтимоий маданийлашувининг ижобий кечишини таъминловчи муҳит ҳамда кадриятлар ва анъаналарни ифода этувчи маскан сифатида ўрганилади. Оилагина жамиятни констант ҳолатда сақлаб қолади. Оила инсон онгида бошқа кадриятлар ўртасида етакчи ўринни эгаллаб, шахсий ҳаёт ва ижтимоий муносабатлар орасидаги мувозанатни таъминлайди. Бугунги шароитда оила ўз ривожланишининг қийин, ноаниқ даврини бошдан кечирмоқдаки, бу бир томондан, ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсири остида, иккинчи томондан, оилада содир бўлаётган ички жараёнлар таъсири остида содир бўлмоқда. Бундай ўзгаришлар шахс, жамият ва давлат ҳаётидаги жараёнларга таъсир этмоқда. Шу сабабли жамият ҳаётида кечаётган ижтимоий-маданий жараёнлар динамикасини аниқлаш мақсадида оила ижтимоий-фалсафий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмоқда.

Мамлакатимиз тараққиётини таъминлашда оила асосий ижтимоий институт сифатида муҳим ўрин эгаллайди, миллий маънавият ва маданиятнинг асосини шакллантиришда аҳамиятли ҳисобланади. “Инсонга инсонпарварлик, яхши хулқ, таълим-тарбия ва умуман, ижобий хислатларни ўргатувчи мактаб бу – оиладир. Халқимизда “Қуш уясида кўрганини қилади”, деган мақол бор. Тарбия оиладан бошланади, десак хато қилмаймиз. Биз бунда соғлом, етук, комиллик сари интиладиган оилани назарда тутаямиз. Оила қанча соғлом бўлса, жамият ҳам шунга мутаносиб бўлади”<sup>1</sup>. Оила институти фарзандлар қобилиятларининг ривожланишида асосий ўринни тутар экан, бунда оиладаги ота-она, бобо ва бувиларнинг ўрни муҳим. Ватанга, халққа, ижтимоий ва сиёсий тизимларга нисбатан муносабат қанчалик мазмунли шакллантирилса, мамлакатимизнинг барқарорлиги шунчалик мустаҳкамланади. Шу боисдан ҳам ўзбек оилаларида бугунги

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б. 72-73.

кунда кечаётган ижтимоий-маданий жараёнлар трансформациясини тадқиқ этиш муҳим саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони асосида “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг “IV. Ижтимоий соҳани ривожлантириш”нинг устувор йўналишлари сифатида “оила институти ҳаётини режалаштириш, оила аъзоларини фаровон ҳаёт тарзини таъминлаш” масалаларига мажмуавий-тизимли тарзда ёндашилганлиги, шунингдек 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4110-сонли Қарори, 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш, соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-0653-сонли Фармони, 2020 йил 18 февралдаги “Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4602-сонли Қарори ва бошқа шу каби соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Энг қадимги даврлардан то ҳозирги кунгача оила воқелиги фалсафий-метафизик ва фалсафий-ахлоқий йўналишнинг муҳим мавзуси бўлиб келди. Қадимги шарқ динлари – буддавийлик, конфуцийлик, ҳиндуийлик, зардуштийлик, ислом ҳамда яҳудийлик ва христианлик динларида оила муқаддас саналиб, ундаги ижтимоий муносабатлар доимо диққат марказида бўлган. Антик даврнинг буюк мутафаккирлари Афлотун<sup>2</sup> ва Арасту<sup>3</sup> оилага фалсафий ва метафизик нуқтаи назардан қарашган, “оила яхшиликка, илоҳий тўлиқликка эришиш йўлида қадам” деб ҳисоблаганлар.

Немис мумтоз фалсафаси вакиллари Кант ва Гегель оиланинг ўз маъносини тўлиқ англаб етишнинг имкони йўқлигини эътироф этган<sup>4</sup>. Жумладан, Кант давлат ҳаётида иштирок этиш, ҳуқуқ ва умумий манфаат орқали намоён бўладиган эр-хотин иттифоқи ва илоҳиётда оила ҳақидаги тушунчалар билан уйғун қарашни фалсафий бирлаштиради.

Файласуфлар оилани ижтимоий институт сифатида жамиятнинг асосий эҳтиёжларини қондирадиган, энг муҳим ижтимоий кадриятлар ва анъаналарни бирлаштирган муносабатлар ва ижтимоий меъёрларнинг уюшган тизими сифатида баҳолайди. Шу маънода оилага институционал нуқтаи назардан қаралганда, у энг муҳим ижтимоий функцияларни амалга

<sup>2</sup> Афлотун. Қонунлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – Б. 450.

<sup>3</sup> Арасту Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012. – Б. 352.

<sup>4</sup> Гегель Ф. Философия права // Сочинения. – Москва: Мысл, 1990. – С. 265.

ошириш учун қабул қилинган меъёрлар ва тартиблар тизимини ўзида жамлайди.

Шарқда оила муқаддас маскан саналиб, унинг генезиси “Авесто”, Қуръони карим, Ҳадиси шариф, Ҳидоя, Тафсири Қуръон каби манбалар ва асарларда, Абу Наср Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Ибн Сино, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш, жаидлардан А.Авлоний, А.Фитрат каби мутафаккирларнинг маърифий меросида инсон камолотини таъминловчи, маънавий маданиятни яратувчи ва такомиллаштирувчи маскан эканлиги кўрсатиб ўтилган. Жумладан, “Авесто”да зардуштийликнинг асосий талабларидан бири, бу оиланинг муқаддас саналгани, бошқа айрим сабабларга кўра, масалан, иғво, тухмат, эр-хотиннинг ўзаро келишмовчилиги, ота-она билан муроса-мадора қила олмаслик каби баҳоналар билан никоҳнинг бекор қилинишига жиддий ёндашилган<sup>5</sup>.

Жаҳоннинг етакчи файласуф олимлари П.Л.Берж, Дж.Гарбарино, Р.Скиннер, Дж.Клииз, Л.А.Тилли ва Дж.У.Скот кабилар<sup>6</sup> жамиятнинг ўзгариб боришида оила, оиладаги фарзандлар ва уларнинг камолоти, эр ва хотинлик вазифаларини бажара олмаслиги, оила ҳаётининг маънавий қиёфаси, оилавий муносабатлар маданиятининг ўзгариши каби масалаларни ижтимоий-маданий, ижтимоий-биологик ва культурологик жиҳатларини “инсон ва оила”, “оила ва жамоа”, “жамият ва давлат” каби ижтимоий-маданий муносабатлар контекстида субмаданиятларнинг амал қилиш нуктаи назари асосида тадқиқ этганлар. Бугунги кунда ҳам оила хорижий тадқиқотчилар томонидан турли контекстда ўрганиб келинмоқда. Жумладан, Ж.ТЛ.Джонсон ёшларда зўравонликнинг ифодаланишида оила институти ва унинг этномаданий муҳити ҳамда уларнинг диний мансублиги масаласига тўхталиб, эътиқодли ёшларда зўравонлик кам ифодаланишини кўрсатиб ўтган<sup>7</sup>.

МДХ давлатларида А.Б.Федулова оилавий кадриятларнинг емирилишига таъсир кўрсатаётган ички ва ташқи ижтимоий омилларни ижтимоий-фалсафий жиҳатдан ўрганиб, оилавий кадриятларни оиладаги барча муносабатларнинг маданий мезонини сақлаб турувчиси, деб кўрсатган. Л.И.Савинов ва В.А.Рамих оилада ота ва оналар ролининг ижтимоий-маданий таҳлилини амалга ошириб, уларнинг иштироки ёки улардан бирининг иштирокини оилада амал қилмаслиги, Ю.В.Ступакова оилавий муносабатлар трансформациялашувининг салбий жиҳатларини белгилаб,

<sup>5</sup> Авесто – тарихий-адабий ёдгорлик. – Тошкент: «Шарқ» НМАК, 2001. – Б. 3-20.

<sup>6</sup> Family Relationships and Well-Being Patricia A. Thomas, PhD, Hui Liu, PhD, and Debra Umberson, PhD // Downloaded from <https://academic.oup.com/innovateage/article/1/3/igx025/4617833> by guest on 20 June 2021., Xu, M., Thomas, P. A. & Umberson D. Marital quality and cognitive limitations in late life. The Journals of Gerontology, Series B: Psychological Sciences and Social Sciences, 2016. 71, 165–176 pp. <https://doi.org/10.1093/geronb/gbv014>.

<sup>7</sup> Johnston J. TL. Capital Distress: Productive Citizenship and Mental Health in Adolescent Literature. / For the Doctor of Philosophy degree. Western University London, Ontario, Canada, 2021. – P. 233.

улар ижтимоий-маданий жараёнларнинг деформациялашувига олиб келишини кўрсатиб ўтган<sup>8</sup>.

Мамлакатимиз олимларидан С.Шермухаммедов, Э.Юсупов, О.Буриев, М.Усмонов, И.Джаббаровлар ўзбек оиласининг этномаданий хусусиятларини ўрганиб, оилавий муносабатларни деформациялашув жараёнидан сақлашда кадриятлар функциясини асослаб берган. Фотимахон Сулаймон қори қизи “Аёлларга хос масалалар” номли асарида оила ҳаётини таъминлашда аёлнинг ўрни, фарзандлар ва эрнинг яқин қариндошлари билан муносабатни йўлга қўйиш ҳақида алоҳида тўхталиб, оиланинг пойдеворини таъминловчи аёл эканлигини асослаб берган<sup>9</sup>. И.Джаббаров ўзбек этноними, ўзбеклар ҳаёт тарзи ва оилавий маросимларини ўрганиб, ўзбеклар авлодлар анъаналарини сақлаб, унинг асосида ҳаётгузаронлик қилиб келаётганликларини кўрсатган<sup>10</sup>. С.Отамуратов оилани маънавий анъаналарини сақлашда ота-онанинг роли, миллий маданиятнинг давомийлигини таъминлашда этномаданият роли муҳимлигини кўрсатиб, глобаллашув шароитида ижтимоий институт сифатида ўзини сақлаб қолиши учун муҳофаза қилиш лозимлигини кўрсатиб ўтган<sup>11</sup>. И.Саифназаров ва Ф.Саифназаровалар оила ва ёшлар масаласини анъанавий тарзда тарбиялашни<sup>12</sup>, М.Холматова оилавий маданиятларнинг функцияси ва амал қилиш тенденциясини, З.Қодирова ва Э.Каримовалар “...оиладаги соғлом маънавий-ахлоқий муҳитнинг инсоният учун ғоятда муҳим эканини”<sup>13</sup>, Х.Шайхова ва Г.Тиллаева ижтимоий муносабатларнинг акмеологик жиҳатларини, С.Абдукаримова оилавий этноанъаналарнинг кадриятлар тизимидаги ўрнини белгилаб берган<sup>14</sup>.

Оилага оид бошқа тадқиқотларда<sup>15</sup> оила бажарадиган функцияларни бошқа бирорта ижтимоий институт бажара олмаслиги, шу боис оила маънавияти, оила маърифати, оила маданияти, оила иқтисоди, оилавий тарбия, оиладаги роллар тақсимооти, оталик ва оналик масъулияти, фарзандлик бурчи, ота-оналик мажбурияти, оила ва оилавий муносабатлар ҳақида тасаввурни шакллантириш, ёшларимизни оилапарварлик руҳида тарбиялаш масалалари атрофлича ўрганилган. Оила мавзуси бўйича файласуф олимлар М.Холматова, С.Мамашакиров, Т.Маҳмудов, А.Бегматов, З.Қодирова, Л.Қурбонова, М.Бекмуродов, М.Нурматова, О.Мусурмонова,

<sup>8</sup> Ступакова Ю.В. Трансформация брачно-семейных отношений в современном обществе. Сохранение традиционных семейных ценностей в условиях современной реальности // Материалы международной научно-практической конференции. – Уфа: БИСТ 2020. – С. 233.

<sup>9</sup> Фотимахон Сулаймон қори қизи. Аёлларга хос масалалар. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003. – Б. 109.

<sup>10</sup> Джаббаров И. Узбеки: (Этнокультурные традиции, быт и образ жизни). – Ташкент: Шарк, 2007. – С.31.

<sup>11</sup> Отамуратов С. Оиланинг миллий тарбияни олиб боришдаги ўрни / “Ўзбек оиласининг иқтисодий ва ижтимоий-психологик муаммолари” мавзусидаги Республика имий-амалий анжумани маърузалари тўплами (24-25 май 2000 йил). – Тошкент: 2000. – Б. 80-81.

<sup>12</sup> Саифназаров И., Саифназарова Ф. Ёшлар ва оила – Ватан таянчи. – Тошкент: Таълим нашр., 2018. – Б. 25.

<sup>13</sup> Қодирова З.Р., Каримова Э.Г. Миллий кадриятларни таълим тизимида тадбиқ этишнинг психологик асослари. – Тошкент: Тафаккур, 2010. – Б. 4.

<sup>14</sup> Абдикаримова С.С. Замоनावий ўзбек оиласи этноанъаналарида трансформация жараёнлари // Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд: СамДУ, 2020. – Б. 46.

<sup>15</sup> Нарбаева Т.К. Оила институтини мустаҳкамлашга инновацион ёндашув – мамлакат тараққиётининг муҳим омили // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2018. № 2.-сон. – Б. 2.



Р.Самаров, С.Агзамходжаева, С.Отамуратов, Т.Артиқов, А.Холбеков, А.Умаров, К.Юнусов, С.Сафаева, Ш.Содиқова ва Ғ.Шоумаровларни ишларида ҳам оила институти билан боғлиқ турли масалалар ўрганилганлигини кузатишимиз мумкин<sup>16</sup>.

Биз мазкур тадқиқот ишимизда оила ва оилавий муносабатлар масаласини илмий асосга эга эканлигини инобатга олган ҳолда, оилаларни аниқ услублар ёрдамида ўрганишга, оиланинг ижтимоий барқарорлигини таъминлаш йўлида аҳамиятли жиҳатларини тадқиқ этишга, ўзбек оилаларида бугунги кунда кечаётган ижтимоий-маданий жараёнлар трансформациясини назарий ва эмпирик жиҳатдан ўрганишга эътибор қаратдик.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2017 йил 20-январдаги “Ўзбекистонда модернизация жараёнлари ва инновацияларни ижтимоий фалсафий тадқиқ этиш” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда XX аср охири XXI асрнинг бошида оилаларда ижтимоий-маданий жараёнлар трансформациясининг ижобий ва салбий жиҳатларини замонавий ўзбек оиласининг барқарор ҳаётини таъминлаш контекстида ижтимоий-фалсафий таҳлил қилишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ижтимоий-маданий жараёнлар трансформацияси жараёнида юз берган оиладаги иқтисодий ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзгариши оқибатида аёллар ҳуқуқ ва эркинликларининг кенгайишига, бу эса ўз навбатида ижтимоий тафаккурнинг таркибий жиҳатдан бойитишга олиб келишини фалсафий жиҳатдан очиб бериш;

шахснинг оиладан ташқаридаги ижтимоий алоқалари ривожланиб, меҳнат жамоаси, ижтимоий бирлашмалар ва бошқа тузилмалар билан муносабатлар динамикаси кучайиб бориши оқибатида қариндош-уруғчилик алоқалари деградацияга учрашини аниқлаш;

ижтимоий-маданий жараёнларда оилавий кадрларнинг деформациялашуви натижасида оилада хаостик муносабатлар динамикаси ортиб бориши ва бу ўз навбатида оилавий ажримларнинг кўпайишига олиб келиши фалсафий жиҳатдан очиб бериш;

урбанизация жараёнида инсон мобиллигининг ортиши ва унинг оқибатида эса ота-она ва фарзандлар ўртасидаги иқтисодий иттифоққа путур етгани, бу эса оила кекса вакилларининг фаровонлигига салбий таъсир кўрсатишини аниқлаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи оилаларда ижтимоий-маданий жараёнлар трансформациялашуви танлаб олинган.

---

<sup>16</sup> Мазкур муаллифларнинг асарлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”да келтирилган.

**Тадқиқот предмети** ўзбек оиласида ижтимоий-маданий жараёнларнинг такомиллашуви ва ўзгаришларга таъсир кўрсатувчи омиллар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда диалектика, тарихийлик ва мантикийлик, анализ ва синтез, ижтимоий-социологик сўров ва қиёсий таҳлил усулларидан ҳамда аксиологик ва праксиологик ёндашувлардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ижтимоий-маданий жараёнлар трансформацияси жараёнида юз берган оиладаги иқтисодий ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзгариши оқибатида аёллар ҳуқуқ ва эркинликларининг кенгайиши, бу эса ўз навбатида ижтимоий тафаккурнинг таркибий жиҳатдан бойишига олиб келиши фалсафий жиҳатдан далилланган;

шахснинг оиладан ташқаридаги ижтимоий алоқалари ривожланиб, меҳнат жамоаси, ижтимоий бирлашмалар ва бошқа тузилмалар билан муносабатлар динамикаси кучайиб бориши оқибатида қариндош-уруғчилик алоқалари деградацияга учраб бориши аниқланган;

ижтимоий-маданий жараёнларда оилавий қадриятларнинг деформациялашуви натижасида оилада хаостик муносабатлар динамикаси ортиб бориши ва бу ўз навбатида оилавий ажримларнинг кўпайишига олиб келиши фалсафий жиҳатдан очиқ берилган;

урбанизация жараёнида инсон мобиллигининг ортиши ва унинг оқибатида эса ота-она ва фарзандлар ўртасидаги иқтисодий иттифоққа путур етгани, бу эса оила кекса вакилларининг фаровонлигига салбий таъсир кўрсатгани исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқот жараёнида тўпланган натижалар оила ва никоҳ муносабатлари, жамоа ва бошқарув масалаларига доир ёндашувларни тўлдиради;

тадқиқотнинг асосий натижаларида акс эган назарий хулосалар, конкрет амалий таклиф-тавсиялардан Республика Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат марказларининг фаолиятига қаратилган тарғибот ишларини кучайтиришга имкон беради;

Ёшлар иттифоқи фаолияти, ёшлар билан уюштирилаётган давра суҳбатларида оила ва никоҳ, оилада ижтимоий роллар, оилавий қадриятлар, оилавий муносабатлар маданияти ҳақида ижтимоий тасаввурни шакллантиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек оилаларида ижтимоий-маданий жараёнлар трансформациясининг тадқиқ қилинганлиги билан белгиланади. Шунингдек, Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида ёшларда оила

маданиятини ривожлантириш, уларнинг оила ва никоҳ муносабатларининг аҳамиятини чуқур англаб етишига хизмат қилиши билан белгиланади. Айти пайтда, диссертацияда баён этилган хулосалар ушбу йўналишдаги кейинги тадқиқотлар учун муайян назарий манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда ўз аксини топган назарий хулосалар, конкрет амалий таклиф-тавсиялардан Республика Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида, Республика Маънавият ва маърифат марказининг жойлардаги бўлимлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятида, ёшлар билан уюштирилаётган давра суҳбатлари ҳамда ушбу йўналишдаги маънавий-маърифий тадбирларни юқори савияда ташкил этишда, шунингдек муаммога доир олий таълим тизимининг янги услубий тавсияларини ишлаб чиқишда қўллаш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** XX аср охири - XXI асрнинг боши ўзбек оилаларида ижтимоий-маданий жараёнлар трансформациясига таъсир кўрсатувчи ижтимоий оимилларни аниқлашга доир олиб борилган тадқиқотлар асосида:

ижтимоий-маданий жараёнлар трансформацияси жараёнида юз берган оиладаги иқтисодий ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзгариши оқибатида аёллар ҳуқуқ ва эркинликларининг кенгайишига, бу эса ўз навбатида ижтимоий тафаккурнинг таркибий жиҳатдан бойитишга олиб келиши бўйича илгари сурилган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сонли “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг IV боб Маҳалла, оилаларда ота-оналар ва болалар маънавий тарбиявий муносабатларини таҳлил этиш асосида “Намунавий оилавий тарбия муҳити” мезонларини белгилаш ва шу асосда маҳалла, туман, шаҳар, ҳудудлар ва республика танловлари мавзусида ўтказилган тарғибот ва ташвиқот ишларида фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 17 сентябрдаги 02/07-787-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек оилаларида эр-хотин муносабатларининг хулқ-атвор намунаси ва уларнинг шахсий-маданий хусусиятларини таҳлил қилиш асосида оила ва никоҳ муносабатлари маданиятини ривожлантирувчи барқарор оила моделини такомиллаштиришга эришилган;

шахснинг оиладан ташқаридаги ижтимоий алоқалари кучайиб, меҳнат жамоаси, ижтимоий бирлашмалар ва бошқа тузилмалар билан муносабатлар динамикаси кучайиб боргани сари кенг миқёсдаги оилавий муносабатлар деградацияга учраб боришига оид тавсиялардан Андижон давлат университетида 2015-2017 йилларда бажарилган ОТ-Ф-1-17 рақамли “Маънавий бегоналашувнинг олдини олишда шахс фаоллигини оширишни ижтимоий-педагогик тадқиқ этиш” мавзусидаги амалий лойиҳада нашр этилган “Андижон вилоятида аҳолининг маънавий бегоналашувидаги ҳудудий тафовутлар” номли харитасини яратишда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 21 сентябрдаги 89-03-3421-сон маълумотномаси). Натижада “Авлодлар ўртасида

урф-одатлар, анъаналарнинг, одоб-ахлоқ меъёрларининг миллий менталитетга хос турмуш тарзи давомийлигининг узилиши, яъни кўп қатламли, “моногам” оилаларнинг камайиб кетиши”, “аҳолининг зичлиги, чегара худудларида истиқомат қиладиган аҳоли маънавий қиёфасининг ўзига хослиги”ни белгилашга хизмат қилган;

ижтимоий-маданий жараёнларда оилавий қадриятларнинг деформациялашуви натижасида оилада хаостик муносабатлар динамикаси ортиб бориши ва бу ўз навбатида оилавий ажримларнинг кўпайишига олиб келиши бўйича назарий хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг оилаларни ҳар томонлама муҳофаза қилишга доир амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2020 йил 24 сентябрдаги 02-02/1234-сон маълумотномаси). Натижада вазирликнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон Фармонида тааллуқли бўлган 2-илованинг “Мамлакатда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилига асосланган тизимни самарали жорий этиш бўйича “Йўл харитаси”нинг 15-банди “Маънавият оиладан бошланади” мавзусида маърифат ойлигини ташкил этиш (2020 йил май ойи), 19-банди 15 май – Халқаро оила кунини “Оила муқаддас” шиори остида кенг нишонлашни ташкил этиш ва ўтказиш (2020 йил май), 21-банди Оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, судгача оилавий низоларнинг олдини олишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, оила ва никоҳ муносабатлари маданиятини ривожлантирувчи барқарор оила моделини такомиллаштириш, оилаларда намоён бўлиши мумкин бўлган низоларнинг таснифини аниқлаш асосида оилавий муносабатларнинг ижтимоий диагностикаси ва прогнозини аниқлашга доир вазифаларни самарали амалга оширишга кўмак берган;

фуқаролик жамияти ривожланиши натижасида тарихий жиҳатдан амал қилиб келган ота-она ва фарзандлар ўртасидаги иқтисодий иттифокқа путур етгани, бу эса оиланинг кекса вакилларининг фаровонлигига салбий таъсир кўрсатганига доир тадқиқот илмий натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитасининг 2020 йил 3 декабрдаги 25-16/2076-сон—маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг мамлакатимизда оила институтининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, демографик ривожланишни рағбатлантириш, оила фаровонлиги даражасини ошириш, жамиятда анъанавий оилавий қадриятларни асраб-авайлаш ва уларни ёш авлод тарбиясига сингдириш, шунингдек репродуктив саломатликни, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш бўйича вазифалари юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, уларни муаммоли ўрганиш методологиясини такомиллаштиришга ҳисса қўшган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 22 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман ва семинарларда муҳокама қилинган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш нашр этирилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 155 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**


Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Оила ва оилавий муносабатларни ўрганишнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида “оила” тушунчасининг моҳияти, генезиси ва ижтимоий-маданий хусусиятлари, оила институтининг ижтимоий-фалсафий моҳияти, оила институтидаги ижтимоий-маданий жараёнлар парадигмалари урганилган.

Диссертацияда оиланинг маънавий камолотини таъминлаш мақсадида амалга оширилган айрим тарихий, фалсафий, социологик, иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва бадиий концепцияларнинг моҳияти, уларнинг функционал-қиёсий таҳлилида, инсоннинг дунёга келиши, оила масканида бирламчи маънавий асосларни эгаллаши, бунда ижтимоий тажрибани оила аъзолари томонидан ёш авлодга етказилиши маданий мазмун касб этиши кўрсатиб ўтилган. Бу концепциялардаги умумийлик “Инсонни дунёга келиши ↔ Ижтимоий-маданий муҳит (жумладан: иқтисодий, экологик ва б.) ↔ Яшаш ва камол топиш учун ҳаракатлар (эҳтиёжларни қондириш) ↔ Тақикланади, уят, фарз каби ахлоқий-маданий меъёрлар ↔ Ижтимоий фикр билан ҳисоблашиш ↔ Миллий, диний, этномаданий қадриятлар ↔ Жамият ҳаётини тартибга солувчи ва кўмаклашувчи институтлар (Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ёшлар иттифоқи, Нуруний жамғармаси ва б.) = Инсон камолоти” каби муносабатлар тизими оилада, оилавий муҳит ва оиладаги маърифатнинг бевосита таъсири асосида шаклланади, ривожланади. Шу сабабли оила ва оилавий муносабатлар мамлакатимизда давлат сиёсати даражасида ўрин эгаллаб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 16 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани кўллаб қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори эълон қилиниши ҳам юртимизда дойим оилавий муносабатларга давлат сиёсати даражасида қаралганлигини кўрсатади.

Жамиятда кечаётган интенсив ўзгаришлар бевосита оила ҳаётига таъсир кўрсатиб, фақат ота-она муносабатларигина эмас, балки оила аъзолари ва кекса авлод вакиллари, оиланинг муқим яшайдиган жойи ва бу ҳудудда истиқомат қилувчи бошқа миллат вакиллари оиласи билан алоқадорлиги натижасида анъана ва маданиятни сақлашда ворислик ҳамда уларнинг такомиллашувида маданий-маърифий алоқадорлик оиланинг маданиятини янада ривожланишини, жамият ҳаётининг маданий юксалишини таъминлайди.

Ижтимоий тараққиёт назариясининг асосий таъмойилларига амал қилган ҳолда мазкур жараёни фазавий даражада иқтисодий-ижтимоий-маданий муносабатлар, ижтимоий-этник бирлик каби белгиловчи омилларнинг доминантлик хусусиятларини назарда тутиб оилавий маданиятнинг такомиллашуви шаклида (1-расм) кўрсатиб ўтилган.



### 1-расм. Оилавий маданиятнинг такомиллашуви.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Энг муҳими, ислоҳотларимиз самарасини юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила бугун ўз ҳаётида ҳис этиши керак. Бунинг учун барча бўғиндаги раҳбарлар фоизлар, рақамлар, қоғознинг ортидан қувмасдан, ҳар бир фуқаро учун, унинг ҳаётини манфаатларини таъминлаш учун ишлаши шарт<sup>17</sup>.

Шу боис оила ва оилавий муносабатлар маданиятини такомиллаштириш учун мамлакатимизнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий

<sup>17</sup> Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга мурожаатномаси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2018. – Б. 53.

соҳаларида олиб борилаётган модернизация жараёни самарадорлигини таъминлаш мақсадида “Ибратли оила – барқарор жамиятнинг кўрғони”, “Ижтимоий идеаллар тизимида оилавий маданият” каби мавзуларда ижтимоий-фалсафий, социологик тадқиқотларни илмий методлар воситасида (эмпирик-назарий) ўтказишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Янги Ўзбекистоннинг миллий тараққиётида оилаларнинг кўпайиши жамият ҳаётининг ривожланиши ва ижтимоий-маданий жараёнлар трансформациясини самарали поёнига етиши учун муҳим ҳисобланади. Чунки, ўзбек оиласига хос локал ва умумэтник (этноанъана тарзида) хусусиятлардан эр ва хотиннинг ижтимоий-маданий муносабатлари яқин авлодларнинг эътиборига (диққат марказига) турли мазмунда ҳавола этилади. Бу кўрсаткич уларнинг оилавий ҳаётини барқарорлиги ёки беқарорлигини белгилайди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Замонавий ўзбек оилаларда ижтимоий-маданий жараёнларнинг динамикаси”** деб номланиб, унда оилавий муносабатларнинг ижтимоий-маданий трансформациялашувига таъсир кўрсатадиган омиллар, ўзбек оиласининг ижтимоий динамикаси, Ўзбекистон мустақиллик даврида оилаларда ижтимоий-маданий жараёнларнинг ривожланиши тадқиқ қилинган.

Оилалардаги ижтимоий-маданий жараёнлар трансформациясига стихиявий омилларнинг таъсири ортиб бормоқда, натижада уларни бошқариш ва трансформациялашув жараёни интиҳосининг мавҳум қолиши файласуф, сиёсатшунос, социологларнинг диққатини тортиб келмоқда. Трансформациялашув тизимининг беқарорлиги “динамик хаос”га яқинлашган. Ижтимоий ўзгаришларнинг назоратдан чиқиб кетиш хавфи жуда юқори, агар у назоратга олинмаса, фақат алоҳида локал жамиятларгина эмас, балки бутун инсониятни таназулга етаклайди. Айрим хорижий олимлар трансформациялашувни жараён сифатида ўрганиб, унинг субъектив жабҳаларига эътибор қаратган ва уларнинг фикрича, ижтимоий жараёнлар динамикасини назоратсиз қолиш ҳолати кузатилишини, бунинг оқибатида ижтимоий ва маданий мазмундаги муаммолар келиб чиқишини кўрсатиб ўтган<sup>18</sup>. Бу ўз навбатида трансформациялашувни деструктив сценарийларига йўл қўймасликни тақозо этадики, бу масала бевосита ижтимоий фанлар, шу жумладан, ижтимоий фалсафанинг ҳам муаммоси ҳисобланади. Бу муаммо ижтимоий институт ва ижтимоий субъектларни ўрганиш билан боғлиқ. Уларни ўрганмасдан, ижтимоий жараёнларда кечаётган ўзгаришларнинг мазмун ва моҳиятини белгилаб бўлмайди.


Ижтимоий-маданий жараёнларнинг динамик модели деганда, ўзбек оилаларида трансформациялашув жараёнида эр ва хотин ўртасидаги мулоқот маданиятининг шакли, ота-оналарнинг фарзандлар (ўғил-қизлар)га бўлган меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш тарзи, оиладаги фарзандларнинг (ўғил ва қизларнинг) ота ва онага бўлган муносабат шакли (хурмат ва эҳтиром

---

<sup>18</sup> Князев И.В. Трансформационные процессы в России: субъектный аспект // Автореф...дис... к. социологических наук. – Новочеркасск, 2006. – С. 3.

кўрсатиш ва б.), оилавий қадриятларга бўлган муносабати, келин-куёвларнинг қайнота ва қайнонага бўлган муносабати, оила аъзоларининг яқин қариндошлар, қўни-қўшни ва маҳалла аъзолари билан муносабат шакли, миллий ва диний анъаналарга амал қилиниш тартибининг “инсон – инсон”, “инсон – маданий муҳит”, “инсон – ижтимоий гуруҳ” каби ижтимоий алоқаларда намоён бўлиши назарда тутилади.

Юқоридаги муаллифлик муносабати тадқиқотнинг вазифалари доирасида амалга оширилган бўлиб, уни визуаллаштиришни 2-расм воситасида ифодалаш мумкин. Бунда асосий эътибор оилавий муносабатлар маданиятининг ўзгариши – замонавийлашуви тарзида келтирилганки, оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш амалиётида, оилавий низоларни ўрганиш, эр-хотин ва бошқа оила аъзоларига компетентли амалий ёрдам кўрсатишда ундан фойдаланиш назарда тутилган.



## 2-расм. Оиладаги ижтимоий-маданий жараёнларнинг динамик модели.

Ижтимоий динамика тушунчаси турли маъноларга эга бўлиб, яхлит талқини мавжуд эмас. Ижтимоий динамика тушунчаси ўзида жамият ҳаётининг барча соҳасидаги кўзга кўринган ютуқларини инъикос этади. Бунда асосий эътибор ижтимоий ўзгаришларга қаратилган бўлади. Бунда ўзгаришларнинг йўналиши ва қамрови ҳамда мазмундорлиги, яъни сон ва сифат ўзгаришига эътибор қаратилади.

Оилада ўзаро муносабатларни аниқловчи ички шахсий омиллар таҳлили олиб борилади. Шу мақсадда ташхис ҳулосалари анъанавий, монологик интерпретация усулида эмас, балки ўзаро мулоқот тарзида етказилмоғи даркор. Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:



Ўзбек оилаларида (анъанавий, замонавийлигидан қатъий назар) ота ва оналар фарзандларини ибратли ҳаётга тайёрлашда маънавий пойдевор саналиб, уларнинг тажрибаси, мавқеи ҳамда кекса авлоддан олган билим ва тажрибалари ворислик омили сифатида ижтимоий ҳаёт ҳақидаги тасаввурларни шакллантирувчи ҳисобланади.

Оила ва унда кечадиган ижтимоий-маданий жараёнлар диҳоматик мазмун касб этиб, трансформациялашув жараёнида миллийлик омили доминантлик қилсагина, ижобий-барқарор жараён кузатилиши мумкин. 3-расмда мазкур жараённи комбинациялаштирилган кўриниши келтирилган. Бунда нафақат оила аъзоларининг ўзлари, балки унинг атрофидаги кекса авлод вакиллари ва бошқа яқинларнинг таъсири бевосита кўрсатиб ўтилган.




**3-расм. Оила ва унда кечадиган ижтимоий-маданий жараёнлар трансформациялашуви.**

Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда эмпирик (кузатиш, қиёслаш, таҳлил ва назарий) усулда ўтказилган сўровномалардан. Андижон, Фарғона, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида доимий истиқомат қилувчи 404 нафар оилаларда ўтказилган сўровнома иштирокчилар учун “Ўзбек оиласида оилавий муносабатлар маданиятини эмпирик ўрганиш” муаллифлик сўровномасидан фойдаланилди (1-илова). Олинган натижалар асосида шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, респондентларнинг кўрсатишича, оилавий зиддиятларнинг келиб чиқиши қуйидаги сабабларга боғлиқдир. Ёшларнинг (асосан келин ва куёвлар) ўз вазифаларини тўлиқ бажара олмасликлари (18,5%); қайноналарнинг ўз вазифаларини (келинлик вазифаларини ўргата олмаслиги) бажаришда хатоликларга йўл қўйишлари (16,0%); оила ҳаётини бошқаришда келин-куёвлар манфаатлари, қизиқишларининг инобатга олинмаслиги (18,0%); қудачилик муносабатларида “Биз” ва “Сизлар” каби ижтимоий дилеммаларнинг мавжудлиги (12,3%); оилавий қадриятларга амал қилмаслик (15,0%); келин-

куёвлар ҳаётига овсинлар, қайинсингилларнинг ўринсиз аралашуви (10,%); фарзанд тарбияси масаласи (10,2%) ва бошқалар.

Тадқиқот натижаларига кўра, оилавий ҳаёт барқарорлигига ёшларнинг (18,5%), асосан, келинларнинг ижтимоий ролини бажара олмаслиги, шу жумладан, ёш куёвлар ҳам ўз ролини тўлиқ бажара олмаслиги сабабли оилада зиддиятлар кузатилаётган экан.



#### 4-расм. Оилавий барқарорликка таҳдидлар (% ҳисобида).

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, никоҳгача бўлган даврдаги ёшларнинг хулқ-атвори, бўлажак қудаларнинг муносабати, бўлажак умр йўлдош танлаш тарзи, никоҳ-оилага оид бўлган ижтимоий ролларнинг ўзлаштириши, эр-хотинлик муносабатлар маданияти турли даврларнинг ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихида алоҳида ўрин эгаллаб келган.

Тадқиқотнинг учинчи боби “**XX аср охири XXI асрнинг бошида ўзбек оилаларида ижтимоий-маданий жараёнларнинг трансформациялашуви**” деб номланиб, унда оилавий муносабатларни такомиллаштиришнинг институционал жиҳатлари, ўзбек оилаларида миллий-этник хусусиятларни сақлаб қолишда ота-онанинг роли, ўзбек оилаларини мустаҳкамлашда ижтимоий-маданий трансформациялашувнинг истиқболлари талқин этилган.

Президент Ш.Мирзиёев Янги Ўзбекистон стратегиясида юртимизда оила институтини, оналик, оталик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилада зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа йўللари билан қўллаб-қувватлаш даражасини ошириш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади<sup>19</sup>, – деб таъкидлайди. Ўзбек оилалари бошқа миллат оилалари сингари жамиятда кечаётган ижтимоий-маданий, иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларнинг таъсири остида ҳаёт кечириб, трансформациялашув жараёнида миллий анъана ва қадриятлар

<sup>19</sup> Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б. 72-73.

тизимини деформациялашуви кузатилаётган бир пайтда, оилавий муносабатлар маданиятини барқарор тарзда сақлашдан миллат манфаатдордир.

Оилада амал қиладиган мослашув механизми оиланинг муваффақиятлилигини белгилайдики, буни “мослашув худуди” деб кўрсатсак, хато қилмаган бўламиз. Негаки, “мослашув худуди” ўзида оилавий роллар тақсимоти ва уларнинг индивидуал бажарилишини, эр-хотинларнинг ҳиссий яқинлигини, бир-бирларидан кутишлари каби ижтимоий-фалсафий мажмуаларни ўз ичига қамраб олади, чунки тадқиқот давомида сабаб ва оқибат алоқадорлиги белгиланади. Шу нуқтаи назардан жамият талабларига оила ҳаётининг, қадриятларининг, муносабатлар маданиятининг мос тушишини инобатга олсак, бунда оилавий хулқ-атвор меъёрларининг намуналари, оилада ижтимоий ролларнинг бажарилиши, оилада меъёрларнинг жорий этилганлиги ва уларга амал қилиниши, оила аъзоларининг ҳақ-хуқуқлари таъминланганлиги, мажбуриятининг бажарилиши, ноформал меъёрларнинг анъаналар, одатлар ва ахлоқ талаблари билан тартибга солиниши ва оилани жамиятнинг бошқа институтлари билан ижтимоий алоқаларнинг йўлга қўйилиши ижтимоий субъектлар билан боғлиқ. Айнан улар инновацион ва ижодий фаолиятлар намунасида трансформацион жараёнларнинг таъминловчиси ҳисобланади. Унга хос бўлган эркинлик, яратувчанлик ижтимоий-маданий ўзгаришларнинг бошланғич нуқтаси сифатида гавдаланади.

